

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 53-ҳадис

53 – عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: «مَا عَابَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ طَعَامًا قَطُّ، إِلَّا اشْتَهَاهُ أَكَلَهُ، وَإِنْ كَرِهَهُ تَرَكَهُ» مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ .

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

"Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ҳеч вақт таомни айбламасдилар. Агар иштаҳалари бўлса, ундан ердилар. Кўнгиллари тортмаса, уни тарк қилардилар".

Муттафақун алайҳ.

Фойда: Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга эргашган ҳолда мусулмон киши таомни айбламаслиги лозим. Чунки таомни айблаш мутакаббирлик ва ҳаддан ошишлик белгисидир.

Шарҳ: Расулulloҳ с.а.внинг олийжаноб хулқларидан бири, овқат тайёрлаган кишининг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилардилар, айниқса аёл киши бўлса яна ҳам эътибор қиладилар. Агар овқат ёқса ердилар ва тайёрлаган кишига ташаккур айтардилар. Агар ёқтирмасалар овқат тайёрлаган кишини камчилигини айтиб айбламас, унга ёқмайдиган гап айтиб кўнглига тегмас эдилар. Ёқмадим, уни емасдан тарк қилардилар. Бу каби эҳтиром ва шафқат кимда бор?!

Демак, биз мусулмонлар эркакмизми ёки аёл, каттамизми ёки кичик, Расулulloҳнинг с.а.в. мана шу олийжаноб хулқларида эргашмоғимиз даркор.

Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Мусулмон киши овқатни айбламайди.
2. Набавий одатга мувофиқ овқат ёқса ейилади. Агар ёқмаса, тайёрлаган одамни айбламаган ҳолда овқат ейилмайди.
3. Мусулмон одам ҳар қандай ҳолат учун Аллоҳга ҳамд айтади. Овқат пайтида камбағал, ночор ва муҳтож кишиларни ёдига олади.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI